ҚАДИМГИ ДАВР ШАҲАРСОЗЛИГИ ТИЗИМИ, ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТУРКУМЛАНИШИ

Б.Ж.ЭШОВ, А.А.ҲАКИМОВ

В статье описаны научно-теоретические концепции градостроительства и этапов его развития на базе археологических исследований.

There has been analyzed scientific-theoretical conception of town-planning and staje of its devetoping on base of archeological research.

Сўнгги йилларда илк темир даври шаҳарлари ва улардан кўпчилигининг ворисий давомчилари бўлган антик давр шаҳарлари ҳамда қишлоқлар тартибини ўрганишга бўлган қизиқиш тобора кучайди. Бу ҳолат, биринчидан, археологик тадқиқотлар кўлами кенгайиб, янги маълумотларни қиёсий таҳлил қилиш имкониятлари кўпайганлиги билан изоҳланса, иккинчидан, ўтмиш тарихимизга бўлган муносабатнинг ўзгариши ҳамда бунинг натижаси ўлароқ, қатор кўҳна шаҳарларнинг маълум саналар билан боғлиқ юбилейлари нишонланиши билан изоҳланади. Таъкидлаш жоизки, кўҳна шаҳар ва қишлоқлар тарихини ўрганишда шаҳар ҳамда қишлоқларнинг жойлашган ўрни ва даврини пухта таҳлилдан ўтказиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бунда турли тарихий ёндашувлар барча дастлабки манбаларнинг таҳлилидан келиб чиқувчи муқаррар мантиқий хулоса бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқ этилаётган масала услубий жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлган бир қатор муаммоларга ажратилади, яъни: ўрганилаётган ҳудуднинг экологик ҳолати, ишлаб чиқариш технологиясининг даражаси ва жамият ташкилотининг мавжудлиги, жойлашув тартиби ҳамда шаҳар ва қишлоқлар типологияси ҳисобланади. Бу ўринда кўпчилик тадқиқотчилар шаҳар ва қишлоқлар типологияси масаласида ечимини кутаётган муаммолар кўплигини таъкидлаб, улар қуйидагилар деб ҳисоблайдилар: манзилгоҳларнинг ўтиш ва оралиқ шакллари кўплиги туфайли шаҳарни манзилгоҳдан ажратувчи чегара типологияси ноаниқлиги; типологик фарқлар нисбати ҳамда қишлоқларнинг шаҳарларга айланиши; патриархал оиланинг кўп хонали уйларидан бир уруғга мансуб зич қурилган манзилгоҳнинг фарқи, сарой ва қалъаларнинг типологик нисбати кабилар[1].

Қишлоқлар ва кўҳна шаҳарлар тизимини ўрганиш ва туркумлаш масалаларининг тарихий тадрижийлик жиҳатларига эътибор бериш ҳам муҳим ҳисобланади. Улар минглаб йиллар давомида ривожланиб борган воҳалар тарихини тадқиқ этиш жараёнида юзага келади. Эътибор бериш лозимки, қадимги шаҳарларнинг пайдо бўлган даври ва санасини аниқлашда қайси босқичдан бошлаб уларни шаҳар деб ҳисоблаш керак деган савол туғилади. Бу ўринда даставвал улар қайси даврга оид эканлиги ва ўша давр жамият тараққиёти даражаси қай ҳолатда эканлигига аниқлик киритиш ниҳоятда муҳимдир.

Йирик шаҳарлар пайдо бўлиши ва ривожланишида ворисийлик ёки маълум сабабларга кўра ўрнини ўзгартириш анъаналари, тузилиши жиҳатидан ўхшашлик томонлари кучли бўлишига қарамай, шаҳармонанд манзилгоҳлар ва қадимги, ҳатто ўрта асрлар шаҳарлари ўртасида жиддий фарқлар мавжуд бўлиб, улар тарихий ҳодиса сифатида моҳиятан ўзгариб турган. Бу ўзгаришлар ўз навбатида қадимги шаҳарлар типологияси ва тузилишига ҳам таъсир ўтказган.

Мисол учун, Сополлитепа ва Жарқўтон манзилгоҳлари ривожланишида даврий ва тузилиш жиҳатидан жиддий фарқлар кузатилса-да, улар тараққиётида ворисийлик анъаналари кучли бўлганлигини кўришимиз мумкин. Ёки бўлмаса, маълум тарихий-маданий, ҳарбий, иқтисодий-сиёсий сабабларга кўра шаҳарларнинг кўчиши Узунқир мисолида кузатилади [2]. Шунингдек, мил. авв. II аасрда Қарши воҳасининг жанубида Қалъаи Заҳоки Морон йирик кўҳна шаҳрининг пайдо бўлиши шу ҳудудларда илгарироқ пайдо бўлган Ерқўрғонга жисмонан дахл этмаган бўлсада, Ерқўрғоннинг аҳамияти ҳамда вазифавий йўналишига жиддий таъсир кўрсатди [3]. Яна бир мисол, Кофирқалъа ва Талибарзу ёдгорликлари бир хил қадимги марказий қисмларга эга. Аммо ўрта асрларда Кофирқалъа ўсиб кичик шаҳарга айланди, Талибарзу қишлоқлигича қолди [4]. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги оралиқ масканлар шакли ва тузилиши, бажарган вазифаси ҳамда мақоми масалаларига бағишланган сўнгги ишлардан бири Ю.В.Андреев тадқиқотлари [5] ҳисобланади. Ушбу тадқиқотда йирик деҳқончилик масканларини туркумлашда асоссиз замонавийлаштиришга

(катта ўлчамлар, зич қурилишлар, мудофаа деворлари, диний марказларнинг мавжудлиги) йўл қўймаслик учун «квазишаҳар» атамасини қўллаш таклиф этилган. Квазишаҳарнинг («квазигород») кейинги босқич – шаҳармонанддан («протогород») туб фарқи унинг эркинлиги, аграр хусусиятга эгалиги ҳамда атрофида қишлоқ манзилгоҳлари мавжуд эмаслигидадир. Квазишаҳар барқарор ва доимий манзилгоҳ шакли сифатида Испания ва Яқин Шарқдан тортиб Марказий Осиёгача бўлган ҳудудларда ҳозирги кунгача сақланиб қолгани қайд этилади [6].

Қадимги масканларнинг археологик харобаларини тадқиқ этганда, кўпинча, шаҳарни протошаҳардан ва протошаҳарни квазишаҳардан ажратиб бўлмайди. Чунки шаҳарлар ҳар қандай тараққий этган манзилгоҳлар сингари аста-секин қишлоқлар тизимининг маркази сифатида шаклланади. Турли ҳудудлардаги турли даврларга оид кўҳна шаҳарларга умумий таъриф бериш, уларнинг номланиши ва келиб чиқишидаги фарқларни ажратмаслик методологик жиҳатдан хато ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, шаҳар тушунчасига фақат цивилизациянинг моддий ҳодисаси деб эмас, балки пайдо бўлиши, ривожланиши ва инқирозга юз тутиши босқичларини ажратиш лозим бўлган тарихий ҳодиса деб қараш мақсадга мувофиқдир. Ушбу ҳолатда кўҳна шаҳар ва қишлоқ тузилмаларининг ҳар хил турлари, шакллари ҳамда уларни ўзаро боғлаб турувчи тизимларни тартиблаш учун мантиқан кенг имкониятларга эга бўламиз.

Ҳозирги кунда, қадимги шаҳарлар тарихини ўрганишга алоҳида эътибор берилаётган бир пайтда, қадимги ва ўрта асрлар урбанизация масалалари қадимшуносликнинг долзарб ҳамда ривожланаётган йўналишига ажратилиши билан қишлоқлар ва шаҳарларни тизимлаш ва типларга ажратиш муаммолари алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларида қадимги шаҳарлар ва қишлоқларни туркумлашнинг ўзига хос тизимлари ишлаб чиқилмоқда [7].

Методологик жиҳатдан сўнгги йиллардаги илмий тадқиқотларнинг кўпчилигида шаҳарни қишлоқдан тубдан ажратиш ҳамда уларни ижтимоий ва маданий жиҳатдан бир-бирига қарама-қарши бўлган тизим сифатида бир-бирига қарши қўйиш ғояси устунлик қилади. Таъкидлаш жоизки, қазилмаган манзилгоҳларни туркумлашда уларнинг майдонлари ўлчамларига алоҳида кўрсаткич сифатида аҳамият берилади.

Бундай қарашлар учун таянч нуқтаси бўлиб, кўп ҳолларда, Р.М.Адамснинг Месопотамиядаги тадқиқотлари натижалари хизмат қилади [8]. Маълумки, тадқиқотчи бу ерда бронза даври манзилгоҳларини ўлчамларига кўра икки туркумга (орасидаги фарқ 6 гектарга яқин) ажратиш мумкинлигини таклиф этган эди. Илк темир даври Чоч ва Бақтрия бўйича эълон қилинган манзилгоҳлар майдонларининг тақсимланишига доир маълумотларни таҳлил этадиган бўлсак, кўп сонли майда манзилгоҳлар Чочда 2 гектар майдонни, якка манзилгоҳлар 3-4 дан 200 гектаргача майдонни [9], Бақтрияда кўп сонли майда манзилгоҳлар 1 гектардан 3-4 гектаргача майдонни, якка манзилгоҳлар 5 дан 28 гектаргача майдонни эгаллаганини [10] кузатиш мумкин.

Ўрта Осиёнинг қадимги манзилгоҳларини туркумлашда шаҳар билан қишлоқ орасидаги чегара, одатда, 3-5 гектар оралиғида белгиланади. Бу жараёнда шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги чегара турли воҳаларда табиий-географик ва иқтисодий ҳолатга қараб ҳар хил эканлиги кузатилади. Мисол учун, Парфияда шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги чегара мустаҳкамланган марказий қисмдан бошлаб 4 гектар эканлиги аниқланган [11]. Э.В.Ртвеладзе Шимолий Бақтрия учун нисбатан майда-майда чегараларни таклиф этади [12]. Айрим тадқиқотчилар эллинистик ва Кушон даври Бақтрия қишлоқ ва шаҳарлари ўртасидаги чегарани 4-6 гектар деб белгилайдилар [13]. Марв воҳасида, Ўрта Осиёда энг йирик кўҳна шаҳарлардан бири ҳисобланган пойтахт шаҳардан ташқари, квадрат шаклли қалъа типидаги кичик шаҳарлар тизими вужудга келган бўлиб, улар айрим ҳолларда девор билан ўралган манзилгоҳлар, айрим ҳолларда шаҳарчалар деб туркумланади [14].

Ўтган асрнинг 50-йилларида Ю.А.Заднепровский Ўрта Осиёда биринчилардан бўлиб кичик шаҳарлар ва қишлоқ жамоалари манзилгоҳлари ўртасидаги чегарани 4 гектар деб белгилаган [15]. Ундан сўнг Н.Г.Горбунова Фарғона водийси шаҳар ва қишлоқлари ўртасидаги чегара 5 гектар деган фикрни илгари сурди [16]. Хоразм кўҳна шаҳарлари майдонларининг ҳажмига қараб махсус туркумланмаган. Аммо бу ердаги антик давр қишлоқлари олдинги даврларга нисбатан анча кичкина.

Урбанизация жараёнлари билан бевосита боғлиқ бўлган кўҳна шаҳар ва қишлоқларни типологик жиҳатдан туркумлаш масалалари ҳудудларда жойлашув хусусиятлари, гуруҳланиш анъаналари, мазкур гуруҳлардаги турли манзилгоҳлар типлари ва ҳажмларининг нисбати каби муҳим хусусиятларга ҳам эгадир. Таъкидлаш жоизки, шаҳарни ўраб турган барча қишлоқ ва қўрғонларни ўрганишга тартибли ёндашув уни манзилгоҳ ривожланишининг юқори ва сифат жиҳатидан фарқли босқичи деб туркумлаш имконини беради.

Сўнгги йилларда Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари ва қишлоқлар тизимини ўрганишда жиддий

натижаларга эришилди. Ўрта Осиёнинг жанубидаги шимолга қараб кетган протошаҳар, шаҳар маданиятининг умумий хусусиятлари аниқланиб, қиёсий таҳлиллар амалга оширилмоқда. Деворлар билан ўралган йирик шаҳарлардан тортиб зич қурилган ва атрофида қишлоқлар бўлган нисбатан майда шаҳарларгача типологик ва тузилиш хусусиятларига кўпгина аниқликлар киритиш имконияти пайдо бўлди.

Таъкидлаш жоизки, Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари, ижтимоий-манзилгоҳ тизими ва, умуман, урбанизация жараёнларининг тараққиёт босқичларига доир ягона концепция яратилмаган. Юқорида эслатганимиздек, илмий тадқиқотимизнинг асосий мақсадларидан бири ҳам ушбу бўшлиқни имконият даражасида тўлдиришдан иборатдир. Зеро, харобалари сақланиб қолган барча кўҳна шаҳарлар ва қишлоқларни дастлабки ўрганиш ва таърифлаш, манзилгоҳлар тизимлари ривожланишининг умумий ҳолатини синчиклаб таҳлил этиш ҳамда улар ҳақида умумий бўлса-да хулосалар чиқариш ниҳоятда муҳимдир. Бу ўринда алоҳида минтақалар ва даврлардаги урбанизация жараёнларининг баъзи бир умумий қонуниятлари ва ўзига хос томонларини янада асосли тарзда аниқлаш имкониятлари мавжуддир.

Кўп қатламли ёдгорликларни типологик туркумлашдаги кўчмас маданият тоифалари орасида манзилгоҳ мураккаб, ривожланувчи тартиб бўлиб, тараққиёт даражасига кўра аста-секин ўзгариб бориши ҳамда қулай шароит юзага келганда ўсиб шаҳарга айланишини назарда тутиш лозим. Таъкидлаш жоизки, манзилгоҳнинг шаҳарга айланиш жараёни баъзан инқироз, турғунлик ва қайта ривожланиш даврлари билан алмашиниб туради. Бу ерда моҳият эътибори билан манзилгоҳ шаклланишининг асосий босқичлари туркумланади. Кўпчилик қадимги кўҳна шаҳарларда, одатда, деворлар баланд қилиб бунёд этилган ва қалинлаштирилган. Янги деворлар тармоқлари барпо этилиши ҳам мумкин бўлган, аммо кўҳна шаҳарнинг аввалги, эски қисми тузилиши ўзгаришсиз қолган.

Йирик ва мураккаб тузилишли кўҳна шаҳарларда, одатда, уларнинг алоҳида ривожланиш даврларига мансуб бўлган алоҳида таркибий қисмлари аниқланади. Бундай ҳолда турли қурилиш даврларининг маҳсули бўлган кўҳна шаҳарнинг сўнгги ҳолати туркумланмайди, балки кўҳна шаҳарнинг ҳар бир алоҳида қурилиш давридаги ҳолати айнан шунга ўхшаш бошқа шаҳар билан қиёсий ўрганилади. Бунда қадимги манзилгоҳлар ва шаҳарларнинг типологияси, аввало, ўлчамлари ва режавий тузилиши уларнинг манзилгоҳлар умумий тизимидаги ижтимоий-иқтисодий ўрни ва аҳамиятини акс эттиради. Айрим манзилгоҳлар ўзининг кўриниши ва шаклини ўзгартирмасдан бир даврдан иккинчи даврга ўтади. Баъзилари эса тараққий этиб ва катталашиб, мураккаб тузилишга эга бўлади ёки, аксинча, ўзининг мавжуд аҳамиятини йўқотиб инқирозга юз тутади. Шаҳар ва манзилгоҳларнинг ўзгариш жараёни, аввало, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат, табиий-географик шарт-шароитлар ва, албатта, ҳарбий-сиёсий вазият билан бевосита боғлиқ ҳолда кечади.

Тадқиқот таҳлилларидан хулоса чиқарадиган бўлсак, кўҳна шаҳар ва қишлоқларнинг ташқи кўриниши улар типологиясининг анча ишончли кўрсаткичи ҳисобланади. Тадқиқотларга кўра, илк темир ва антик даврга мансуб йирик ёдгорликларнинг кўпчилиги миноралари бўлган ҳимоя деворлари билан ўраб олинади. Шарт-шароитга қараб улар ҳудудининг турли жойларида (марказда, деворлар ёнида) қалъалар жойлашади. Қалъа кўринишидаги кўҳна шаҳарларнинг марказида ёки бурчакларининг бирида мустаҳкамланган истеҳком барпо этилади. Таъкидлаш жоизки, асосий тарихий даврларнинг хронологик доирасига кирувчи кўҳна шаҳар ва қишлоқларнинг юқорида келтирилган типологик тафовутлари Ўрта Осиё манзилгоҳлар археологиясининг муҳим йўналиши бўлган шаҳарлар тарихини ўрганиш ва қайта тиклашда беқиёс аҳамиятга эгадир. Ушбу аҳамият уларни қиёсий таҳлил этишда яққол намоён бўлади.

Мил. авв. I минг йилликка келиб Ўрта Осиё ҳудудларидаги шаҳарсозлик маданияти ўзининг юқори даражасига кўтарилган эди. Кўҳна шаҳарлар ва манзилгоҳларнинг типологик жойлашуви ҳамда режавий тузилишини қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, улар ўз ривожланиш жараёнида бир неча даврий босқичларни босиб ўтганлар. Кўп ҳолларда бу босқичлар ўртасидаги тафовутларни кузатишимиз мумкин. Шунга қарамасдан, ўлкамиз ҳудудларидаги бу даврга оид кўпгина йирик ёдгорликлар том маънодаги шаҳарлар бўлиб, муҳим аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-иқтисодий ва маданий марказлар ҳисобланган. Айнан мана шу маданий марказлар давлатчиликнинг муҳим ва асосий омилларидан бири эди.

Ҳар бир кўҳна шаҳар ва манзилгоҳ маълум воҳада у ёки бу даврга хос умумий шаҳарсозлик ва қурилишнинг услубий анъаналарига кўра шаклланганига қарамай, бетакрор хусусиятларга ҳамда ўз ривожланиш тақдирига эга бўлган. Шунингдек, улар маълум ҳудудда жойлашувнинг мураккаб ва вазифавий жиҳатдан ўзаро боғланган тизимида маълум ўрин тутган. Сўнгида таъкидлаш лозимки, манзилгоҳ ва кўҳна шаҳарларни ташқи белгиларига қараб туркумлашда белгилар тизими, тарихий-маданий

номлар, миқдорий белгилар, ўлчамлар мажмуи ва уларнинг ўзаро жойлашуви билан боғлиқ бўлган ҳамда бир-бирини инкор этмайдиган масалалар тўплами вужудга келадики, бу ҳолат кўҳна шаҳар ва қишлоқлар тарихини қайта тиклаш ва ўрганиш учун ниҳоятда муҳимдир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Масимов И.С. Типология и пространственный анализ древних поселений // Методика археологического исследования и закономерности развития древних обществ. – Ашхабад, 1980. – С.40-43; Массон В.М. Типология древних городов и исторический процесс // Древние города. – Л.: Наука, 1977.– С.5-8; Сайко Э.В. Урбанизация как социокультурный процесс в стадиальной характеристике исторического развития // Методологические проблемы исследования процессов урбанизации в древности. – М.: Наука, 1991.– С.11-82; Сулейманов Р.Х. Ирригация и древние системы расселения (Каршинский оазис) // Социально- пространственные структуры в стадиальной характеристике культурно-исторического процесса.– М.: Наука, 1992.– С.90-93 ва бошқ.

2. Эшов Б. Узунқир-Китоб-Кеш-Шаҳрисабз // Шаҳрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни. Халқаро анжуман материаллари. – Т., 2002.– Б.67-69

3. Сулейманов Р.Х., Турабеков М. Этапы развития фортификационной системы Еркургана // История материальной культуры Узбекистана.- 1988.- № 14.- С.60-66; Сагдуллаев А.С. Тарихий ўчмас номлар // Мулоқот.- 2006.- №5-6.- Б.23-24

4. Ростовцев О.М. Изучение сельских поселений Самаркандского Согда // История материальной культуры Узбекистана.- 1975.- № 12.- С.98-113.

5. Андреев Ю.В. Ранние формы урбанизации // Вестник древней истории.- 1987.- № 1.- С.3-19;

6. Ўша асар.- Б.8;

7. Ушбу масала бўйича янада батафсилроқ маълумот олиш учун қаранг: Аскаров А.А., Буряков Ю.Ф., Кварквелия О.Р., Радилиловский В.В. Теоретические и методологические проблемы исследования в археологии. – Т.: Фан, 1988. – 200 с.;

8. Adams R.Mc., Nissen R.I. The Uruk Country side. The Natural Settind of Urban Socities. Chicago. 1972. P.17;

9. Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. – Т.: Фан, 1982;

10. Ртвеладзе Э.В. Древняя Бактрия - средневековый Тохаристан. Динамика историко-культурного развития // Автореф. дисс… докт. ист. наук. – М.: АН СССР, 1988. – С.12;

11. Пилипко В.Н. Парфянское сельское поселение Гарры-Кярыз. – Ашхабад: Ылым, 1975. – С.10;

12. Ртвеладзе Э.В. Изучение бактрийских памятников на юге Узбекистана // Древняя Бактрия. – Л.: Наука, 1974. – С.74-85;

13. Массон В.М. Кушанские поселения и кушанская археология // Бактрийское древности. – Л.: Наука, 1976. – С.3-17; Кошеленко Г.А., Сердитых З.В. Типология и динамика развития системы расселения в Бактрии эллинистической эпохи // Городская культура Бактрии-Тохаристана и Согда (античность, раннее средневековье). – Т.: Фан, 1987. – С.54-59;

14. Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии.– М.: Наука, 1985.- С.229; Ханмурадов К.Н. Мервский оазис в сасанидскую эпоху (рубеж античности и средневековья) // Автореф. дисс. канд. истор. наук. – Самарканд, 1989.-С.11;

15. Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы // Материалы исследования по археологии. - 1962. - № 18. – 328 с.;

16. – Горбунова Н.Г. Поселения Ферганы первых веков нашей эры // Советская археология.- 1977.- № 3. – С.107-121.

Ўзбекистон миллий университети,
Андижон давлат университети
2011 йил 16 июнда қабул қилинган